

ХШ. ЎРТАЧА ОЙЛИК НОМИНАЛ ҲИСОБЛАНГАН ИШ ҲАҚИ



Иш ҳақи. 2018 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича иш ҳақи таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

таълимда 1031 та муассасада 56476 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 47,5 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 868600105,0

минг сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 40,9 % ни) ташкил этган. Таълим соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1281665,5 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 30,8 %га ўсди;



саноатда 30 та корхонада 11409 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши- 9,6 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 303182211,4 минг сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 14,3 % ни) ташкил этган. Саноат соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2214495,9 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 32,1%га ўсди;



соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда 66 та муассасада 21621 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 18,2 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 323688058,2 минг сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 15,2 % ни) ташкил этган. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1247583,6 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 18,0 %га ўсди;



ташиш ва сақлашда 7 та корхонада 2496 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,1 % ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 73803758,5 минг сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 3,5 % ни) ташкил этган.

Ташиш ва сақлаш соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2464067,8 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 15,4 %га ўсди;



молиявий ва суғурта фаолиятида 30 та муассасада 3023 нафар (жами ишловчиларга нисбатан улуши 2,5 %ни) ходим ишлаган бўлиб, уларга ҳисобланган иш ҳақи фонди 107089842,1 минг сўмни (жами иш ҳақи фондидаги улуши 5,0 %ни) ташкил этган. Молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида ишловчиларга ҳисобланган ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 2952085,2 сўмни ташкил этиб, 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 32,3 %га ўсди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида иш ҳақи кўрсаткичларини умумлаштириш натижасида, 2018 йил январь-декабрь ойларида Хоразм вилоятида **ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи 1488899,1сўмни** (иш ҳақиға устама, мукофот, рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар, компенсация ва ишланмаган вақт учун ҳақ каби тўловлар киритилган, шунингдек унинг таркибида жисмоний шахслар даромад солиғи, ижтимоий суғурта ва касаба уюшмасига тўловлар ҳам мавжуд) ташкил этиб, **2017 йилнинг мос даврига нисбатан 22,8 % га ўсиши кузатилди.**



Юридик шахсларда ходимлар сони ва иш ҳақи фонди


(2018 йил январ-декабр, қишлоқ хўжалиги ва
кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари)

	<i>Корхона ва ташкилотлар сони бирлик</i>	<i>Ходимлар сони, киши</i>	<i>Иш ҳақи фонди, минг. сўм</i>	<i>Ўртача ойлик иш ҳақи, сўм</i>
Хоразм вилояти - жами	2312	118944	2125147418,8	1488899,1
<i>шу жумладан:</i>				
Саноат	30	11409	303182211,4	224144,0
Қурилиш	11	1 429	25829630,1	1497940,3
Савдо	21	2 094	46260204,0	1840982,3
Ташиш ва сақлаш	7	2496	73803758,5	2464067,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	13	60	743048,2	1032011,5
Ахборот ва алоқа	18	826	17695217,0	1785231,7
Молиявий ва суғурта фаолияти	30	3023	107089842,1	2952085,2
Таълим	1031	56476	868600105,0	1281665,5
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий	66	21621	323688058,2	1247583,6
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	120	1610	22196484,6	1148886,4
Бошқа фаолият турлари	965	17 900	308136805,7	1434528,9

2018 йил январь-декабрь ойларида 2017 йилнинг мос даврига нисбатан иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақининг юқори ўсиш суръати савдода 40,1 %, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 34,9 %, бошқа фаолият турларида 33,1 %, молиявий ва сугурта фаолияти 32,3 % ,саноат 32,1 %, санъат, кўнгил очиш ва дам олиш 31,7 %, ахборот ва алоқа 29,7 % қузатилди.


Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи миқдори ва ўсиш суръати

(2018 йил январь-декабрда қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари), сўмда



Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи кўрсаткичини вилоят ҳудудлари бўйича кўрадиган бўлсак, яъни ўртача ойлик иш ҳақининг юқори миқдори Урганч шаҳрида **1801941,3** сўмни (вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан **(121,0 %)**), Ҳазорасп туманида **1584192,4** сўмни (**106,4 %**) ташкил этган бўлса, Гурлан туманида **1234611,2** сўмни (**82,9 %**), Янгибозор туманида **1225312,9** сўмни (**82,3%**) ва Шовот туманида **1155112,2** сўмни (**77,6 %**) ташкил этиб, бошқа туманларга нисбатан кам миқдорга эга бўлмоқда.


Шаҳар ва туманлар бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(2018 йил январь-декабрь, вилоятдаги ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан, % да)



Маълумот учун: Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи конун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди (2018 йил январь-декабрь ойларида 501959,5 сўмни ташкил этган) бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган.



Шахар ва туманлар кесимида ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(кишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик субъектларидан ташқари, сўм)



Хоразм вилояти бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи
(қишлоқ хўжалиги ва кичик тадбиркорлик
субъектларидан ташқари, сўм)

	Ўртача ойлик иш ҳақи, сўм (январь-декабрь)		Ўсиш суръати, %
	2017 йил	2018 йил	
Хоразм вилояти - жами	1212144,1	1488899,1	122,8

шу жумладан:

Саноат	1676268,5	2214495,9	132,1
Қурилиш	1314574,7	1497940,3	113,9
Савдо	1314166,2	1840982,3	140,1
Ташиш ва сақлаш	2136028,4	2464067,8	115,4
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	764935,3	1032011,5	134,9
Ахборот ва алоқа	1375929,9	1785231,7	129,7
Молиявий ва суғурта фаолияти	2231924,5	2952085,2	132,3
Таълим	1082483,3	1281665,5	118,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий	1057329,0	1247583,6	118,0
Санъат, кўнгатил очиш ва дам олиш	872618,9	1148886,4	131,7
Бошқа фаолият турлари	1077984,1	1434528,9	133,1

1) дастлабки маълумот

